



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2018 йил 27 июль, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (13.738)

Баҳоси эркин нарҳда

## ИСТИҚБОЛЛИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ИЖРОСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июль куни хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, сармояларни ўзлаштиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Унда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, жорий йил инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари дастурлари доирасида барча манбалар ҳисобидан 2 минг 612 лойиҳа амалга оширилиб, 6 миллиард 850 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштириш белгиланган. Шундан 4,9 миллиард доллар хорижий инвестициялар бўлиб, унинг 2,3 миллиард долларини халқаро молия институтлари кредитлари ва 2,6 миллиард долларини тўғридан-тўғри инвестициялар ташкил этади.

Йиғилишда ушбу маблағларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳолати сустигли танқид қилинди. Масалан, жорий йилда халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар иштирокидаги 82 лойиҳа доирасида 2 миллиард 283 миллион доллар ўзлаштириш белгиланган. Лекин биринчи ярим йилликда бу маблағнинг атиги 26 фоиз ўзлаштирилган, ҳолос.

Бунинг асосий сабабларидан бири маблағларнинг 70 фоизгача бўлган қисмини ўзлаштиришни йил охирига белгилаш амалиётидир. Хорижий инвесторлар бундай ҳолатлар бўйича асосли эътирозлар билдирмоқда. Пухта ишланган ва ҳужжатлари тайёр лойиҳалар учун эмас, балки "олдин маблағ олайлик, кейин бир гап бўлар" қабилида иш тутиш ҳам шундай салбий ҳолатларга сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш кераки, маблағларни ўзлаштириш қанчалек суст бўлса, келажакдаги лойиҳалар ижроси учун инвестиция жалб қилиш ҳам шунчалек мушкул бўлади.

Шуни инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари раҳбарлари инвестицияларни ўзлаштириш ҳолатини чуқур ўрганиб, муаммоларни, жумладан, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тендер ўтказиш, лойиҳа ва шартномаларни экспертиза қилишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш чораларини кўриши керак.

Шавкат Мирзиёев Бош вазир ва унинг ўринбосарларига халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларининг асосий қисмини август-октябрь ойларида ўзлаштириш ва йил якунида прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажариш бўйича янги тармоқ жадвалларини тасдиқлаш вазифасини топширди.

Инвестиция лойиҳалари ижроси билан боғлиқ жараёнлар мурракблаштириб юборилган, ортқча бюрократик тўсиқлар пайдо бўлиб, маъсул идоралар фаолияти лозим даражада тартибга солинмагани каби муаммоларни бартараф этиш, инвестиция лойиҳалари самардорлигини ошириш ва маблағларни ўз вақтида ўзлаштиришни таъминлаш зарур. Шу мақсадда яқинда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағларини жалб этиш ва назоратини юритиш, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш бўйича Президент қарори қабул қилинди. Эндиликда халқаро ва хорижий молия ташкилотлари маблағлари иштирокидаги лойиҳалар мутлақо янги тизим асосида амалга оширилиши керак. Яъни, халқаро молия институтлари билан ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби белгиланди, экспертиза учун 60 эмас, 14 кун талаб этилади, тендер ҳужжатлари ва тендер асосида тузилган шартномалар эса умуман экспертизадан ўтмайди, қворум ва талабдорлар сони бўйича талаблар бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбари халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини сифатли амалга ошириш учун "Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари" фаолиятини самарали ташкил қилиш мумкин эканини таъкидлади. Гуруҳлар фаолияти самарали ташкил этилганда, айрим вазирлик ва идоралар тизимида бир неча лойиҳа гуруҳлари мавжуд. Бу гуруҳлар донор ташкилотлар билан ҳамкорликда ишламайти, аксарият ҳодимларнинг малакаси паст. Оқибатда кўплаб инвестиция лойиҳалари 5-6 йиллаб ишга туширилмасдан, муаммоли масалалга айланиб қолмоқда.

Шу бос жорий йил 21 июль куни қабул қилинган Президент қарорига биноан халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ваколати тўлиқ Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси зиммасига юкланди. Йиғилишда қўмита раҳбарига "Лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари" таркибини қайта кўриб чиқиш, уларни лойиҳалар асосида эмас, тармоқлар йўналишида ихтисослаштириш кесимида қайтадан ташкил қилиш, махсус ўқув курслари ташкил этган ҳолда раҳбар ва мутахассислар малакасини ошириш, халқаро ва

хорижий молия ташкилотлари иштирокидаги барча лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асослари, тендер ҳужжатлари, импорт шартномаларини янги тартиб бўйича жадал экспертиза қилиш ёки рўйхатга олиш топширилди.

Йиғилишда тармоқ ва ҳудудлардаги лойиҳалар мониторинги уларнинг ижроси қонқарсиз эканини кўрсатиши таъкидланди. Шу сабабли ўтган ҳафта инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш бўйича Президент қарори қабул қилиниб, унда 2018-2019 йилларда умумий қиймати 30 миллиард долларлик, жумладан, 26 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги 580 лойиҳани амалга ошириш белгиланди. Бу лойиҳаларнинг 148 таси ҳўжалик бирлашмалари ва 432 таси ҳудудий корхоналар томонидан амалга оширилди. Шундан жорий йилда 456 та лойиҳа доирасида 2,6 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни ўзлаштириш талаб этилади.

Шу муносабат билан Бош вазир ўринбосарларига 2018-2019 йилларда ҳўжалик бирлашмалари 3,9 миллиард долларлик ва ҳудудий корхоналар 3 миллиард долларлик тўғридан-тўғри инвестицияларни тўлиқ ўзлаштиришни назарда тутган ҳолда, мазкур лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш топширилди. Айни пайтда ҳўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари 69 тармоқ ва 189 ҳудудий истиқболли инвестиция лойиҳаси бўйича инвесторлар топиш, техник-иқтисодий асосларни ишлаб чиқиш ва лойиҳа ижросини жадаллаштиришга қаратилган "Йўл хариталари"ни ишлаб чиқиши керак. Вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишга эътиборни кучайтириши зарур.

Йиғилишда инвестиция лойиҳалари бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қилишиш жараёнларини тезлаштириш мақсадида Президент қарори билан қатор қулайлик ва аниқликлар яратилгани таъкидланди. Жумладан, дастлабки техник-иқтисодий асослар ёки ҳисоб-китобларни мажбурий ишлаб чиқиш бўйича талаблар, шунингдек, қурилишларнинг манзилли рўйхатини Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан қилиши бекор қилинди. Халқаро ва хорижий молия ташкилотлари иштирок этаётган, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши 70 фоиздан юқори бўлган, махсуслотни тақсимлаш битимларида мувофиқ амалга оширилган лойиҳалар ҳам мазкур агентлик экспертизасидан ўтказилмайти. Тендер савдолари якунида тузилган импорт шартномалари Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигида фақат тендер ҳужжатларига ва миллий қўничиликка мослиги, матнинг тўғри таржима қилинган бўлиши экспертизадан ўтказилди. Шунингдек, мазкур қарорга биноан умумий қиймати 27 миллиард доллар бўлган 37 ирриқ муҳим инвестиция лойиҳаси бўйича қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга, бир босқичли лойиҳалаштириш ва молиялаштиришни тезлаштиришга рухсат берилди. Тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ана шу 37 лойиҳанинг ҳар бири бўйича махсус ишчи гуруҳи тузиб, бажарилаётган ишларни жадаллаштириш, объектларни сифатли ва муддатда куриш, харид нархлари асоссиз ошириб юборилмаслигини таъминлаш, пудратчи ва етакчи берувчиларни аниқлаш бўйича зарур чоралар кўриши лозим.

Йиғилишда йилнинг яримдан кўпи ўтган бўлса-да, ханузгача барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2019 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар рўйхати тайёр эмаслиги танқид қилинди. Вақолани, жорий йил 1 апрелгача – тармоқлар ва ҳудудларни узоқ муддатга мўлжалланган ривожлантириш концепциялари, 15 июлгача – Лойиҳалар портфели, 10 октябргача – Давлат ривожлантириш дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган, ҳозирги кунда эса келаси йил объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ишлари бошланган бўлиши керак эди.

Бу ҳолатни ўнлаш учун Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси тегишли вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳокимликлар билан бирга барча манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар бўйича тақлифлар асосида Инвестиция дастури лойиҳасини шакллантириши зарур.

Маълумки, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларининг ҳизмат сафари билан хорижга чиқиб, ўз ҳудудига тўғридан-

тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиш юзасидан чет элик ҳамкорлар билан музокара ўтказиши учун кенг шароит яратилди. Таъкидлаш кераки, бундай амалиёт илгари бўлмаган. Ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари, ҳудудий қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари хоҳлаган давлатига қўриб, ҳамкорлар билан бемалол мулоқотга киришяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида ҳокимликларнинг 33 делегацияси хорижий хизмат сафарига борди. Natijaда умумий қиймати 5 миллиард 290 миллион доллар бўлган 195 лойиҳа бўйича қелишувларга эришилди. Ҳозирги кунда 1 миллиард 500 миллион долларлик 75 лойиҳанинг ижроси бошланган.

Лекин ҳокимлик вакилларининг хизмат сафарлари асосан Хитой, Россия, Туркия, Жанубий Корея ва айрим МДҲ мамлакатлари билан чекланиб қолмоқда. АҚШ, Япония ва Европа давлатларидаги дипломатик ваколатхоналаримиз раҳбарлари юртимиздаги ўзларига бириктирилган ҳудудларга инвестиция жалб қилишда фаоллик кўрсатмапти.

Ўз навбатида, ҳокимликлар элчихоналари билан ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу эса хорижий хизмат сафарларида эришилган қелишувларнинг қўнчилиги фақат қорғода қолиб қетишига сабаб бўлапти. Масалан, Фарғона вилояти ҳокимлиги делегацияси 1-4 февраль кунлари Латвияга хизмат сафари давомида 6 та меморандум имзолаган, лекин бугунгача уларнинг бирортаси бўйича аниқ натижага эришилмаган.

Яна бир эътибор қаратиш зарур бўлган жиҳат шуки, ҳокимликлар эришган қелишувлар асосан хомашёни бирламчи қайта ишлаш, тўқимачилик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилган. Юқори технологияли ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳалар деярли мавжуд эмас.

Бу борадаги ишларни танқидий ўрганган Ишчи гуруҳ ҳокимликлар делегацияларини чет элга бориши олдидан тайёрғарлик ишлари талаб даражасида ташкил этилмаётгани, аксарият ҳолатларда делегация аъзоларининг аниқ иш режаси мавжуд эмаслиги, тегишли вилоятнинг иқтисодий салоҳияти ва амалга ошириш мумкин бўлган лойиҳалар тўғрисида зарур ва етарли маълумот берадиган материаллар, ролик ва буклетлар тайёрланмаганини аниқлади. Ўрганиш ўтказилган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари делегациялари таркибига киритилган 40 тадбиркордан атиги 12 таси аниқ қелишувга эришган, ҳолос.

Хизмат сафари давомида шартномаларнинг қўриқ сони орқасидан қуввиш ҳолатлари кузатилаётгани ҳам танқид қилинди. Имзоланган меморандум, қелишув битимлари, инвестиция ва экспорт шартномалари аниқ натижадорликка қаратилмасдан, мавҳум – маданый-гуманитар характерга эга бўлиб қолмоқда.

Айрим раҳбарларнинг ишга маъсулиятсиз ёндашиши туфайли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан "Йўл хариталари" ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқилмаган, ижро бўйича қатъий мониторинг тизими йўқ. Лойиҳалар фақат ташаббускорлар – хусусий тадбиркорларнинг савй-харакатлари натижасида қўйинчилик билан, маҳаллий ҳокимликларнинг зарур ёрдамида амалга оширилмоқда.

Ишчи гуруҳ барча ҳудудларда мазкур масалаларни ўрганиб чиқиш бўйича режа-график тайёрлаш, шу асосда жойлардаги вазиятни кўриб чиқиши, мавжуд муаммолар ва уларнинг сабабларини аниқлаши, таҳлил қилиши, бартараф этиш чораларини кўриши ва ишларни фаолаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши керак. Бундан ташқари, бириктирилган дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари билан биргаликда ҳудудларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча лойиҳаларни шакллантириш, экспортни кўпайтириш, инвестиция лойиҳалари бўйича тармоқ жадвалларини тасдиқлаш ва жадал амалга ошириш, янги қувватларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан зарур чоралар белгиланиши лозим.

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ташқи ишлар вазирлигига ҳокимликлар делегацияларининг хорижий хизмат сафарларида эришилган қелишувлар ижроси юзасидан таъсирчан назорат ва мувофиқлаштириш тизимини жорий этиш вазифаси топширилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари ва ҳокимларнинг ҳисоботлари тинланди. Хорижий инвестицияларни ўзлаштириш ва лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

## Президент ташрифидан сўнг... ЯДРО ЭНЕРГЕТИКАСИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

**Мирзо Улугбек шаҳарчаси ташкил этилган даврдан бошлаб физиклар маскани бўлиб келган. Бу ерда фаолият олиб бораётган Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институтига кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, яратилган илмий ишланмалар ҳаётга татбиқ этилган.**

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 17 февралдаги "Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори иқтисодиётнинг инновацион ривожланишида академик фаннинг аҳамиятини янада ошириш, Фанлар академиясининг нуфузини юксалтириш, унинг таркибидаги илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини такомиллаштиришда янги босқични бошлаб берди.

Ядро физикаси институтини ҳам ушбу қарорга мувофиқ қисқа даврда илгариги мавқени тиклаш, фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни тизимли йўлга қўйиш бўйича ўз йўналишларини белгилаб олди. Бу борадаги мақсадларни амалга ошириш учун институтда бой илмий салоҳият, қimmatли моддий-техник база ва технологик имкониятлар мавжуд.

Институтда ҳозирги кунда ядро физикаси, қаттиқ жисмлар радиацион физикаси ва наноматериаллар, ядровий аналитика, умумий ва амалий радиоактив ҳамада илмий асосбозлик йўналишларида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб борилмоқда. Барча изланишлар илмий лабораториялар ва илмий-тадқиқот ядро реактори, У-150 циклотрон, НГ-150 русумли нейтрон генератори, гамма қурилмаси, Республика марказий изотоп лабораторияси, электрон тезлаткич, радиоактив чиқиндиларни тазалаш хизмати базаларида амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Ядро физикаси институтини таркибидан "Радиопрепарат", "Радиоактив чиқиндиларни қўйиш республика пункти" давлат корхоналари, "Тезлаткич" маъсулияти чекланган жамаияти ва таҳриба заводига эга Конструкторлик бюроси фаолият юритмоқда. Институт АҚШ, Австралия, Россия, Хитой, Канада, Бразилия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон каби мамлакатлардаги илмий-тадқиқот муассасалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бугунги кунда институтда 2 академик, 15 фан доктори, 52 фан номзоди ҳамда 60 ёш илмий ходим беш йўналишда фаолият олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институтига ташрифи чоғида мамлакатимизнинг қисқа вақтда юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришиши учун олимларга қўйилаётган талаблар, илм-фаннинг таълим ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини ривожлантириш масалалари тўғрисида дастурий маъруза қилди.

Президентимиз ўз нутқида сўнгги вақтларда соҳага доир қабул қилинган фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти, жумладан, Ўзбекистонда атом энергетикасини ривожлантириш, электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватини кескин кўпайтириш, шиддат билан ривожланаётган иқтисодиёт тармоқларини энергия билан барқарор таъминлаш ва аҳолининг эҳтиёжини тўлалигича қоплаш масалалари ҳақида гапирди.

Асосий вазифалардан тарқи олилар яратган ишланмаларни иқтисодиёт тармоқларига кенг татбиқ этиш ва бунга амалга ошириш учун шарт-шароит, рағбатлантириш механизмлари, яъни имтиёзлар яратиш экани таъкидланди. Шундай имтиёزلардан бири – бу ишлаб чиқаришга илмий ишланма татбиқ қилинган тақдирда маблағнинг 40 фоизи муаллифга, 30 фоизи ҳаммуаллифларга ажратилишидир.

ЎЗА

(Давоми 2-бетда)

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2018 йил 31 июль куни соат 15:00 да Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги 39-сессияси бўлиб ўтади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 39-сессияси кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

- Тошкент шаҳар прокурори Ш.Облакловнинг пойтахт ҳудудда 2018 йил биринчи ярмида қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳоли юзасидан ҳисоботи тўғрисида;
- Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2018 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;
- Фуқаролар ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2018 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;

– Тошкент шаҳар Маъмурий судининг 2018 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;

- Тошкент шаҳар Иқтисодий судининг 2018 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан ахбороти тўғрисида;
- Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг соғлиқни сақлаш соҳасида 2018 йилнинг иккинчи чорагидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида;
- Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасининг фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида;
- Тошкент шаҳри аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида "Сувсоз" давлат унитар корхонаси томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида ва бошқа масалалар.

Саҳоси

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташаббуси билан никоҳ ва оила муносабатларига бағишланган учрашув ўтказилди. Йиғилишда оилавий ажримлар оқибатида юзага келган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатлари, ёшлар таълим-тарбиясидаги камчиликлар миқдорлари орқали таҳлил этилди. Диний идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари ёшларни оилага тайёрлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, қай-нака-келин муносабатлари, оилавий ажримларнинг олдини олиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириди.

- Кўшработ тумани тиббиёт бирлашмасида "Кўшработ қорлайди!" деб номланган тадбир бўлиб ўтди. Республикаимизнинг турли ҳудудларида фаолият олиб бораётган кўшработлиқ олимлар, шифокорлар, тадбиркорлар тақлиф қилинган ушбу тадбир бу ердаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш мақсадида уюштирилди.

- Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманида брикет ишлаб чиқариш қорхонаси қурилиши бошланди. Ҳудудда мазкур йўналишдаги ушбу илк қорхонада йилга 20 минг тонна брикет ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Қорхона ишга тушиши билан 12 кишининг доимий бандлиги таъминланади.

- Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида тадбиркор Азамат Эшмиров томонидан сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилди. Кунига 5 тонна сут қайта ишланаётган қорхонада сметана, қаймоқ, қатик, бринза каби 6-7 турдаги сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. "Диёр милк" бренди остида ишлаб чиқарилаётган табиий маҳсулотлар тумандаги болалар боғчалари, йирек савдо дўконларига тарқатилаяптир.

ЖАҲОНДА

- Покистоннинг Кветта шаҳрида кўп-рувчилик ҳаракати содир этилди. Шаҳарнинг иккита жойида бомба портлатилиши натижасида 24 киши ҳалок бўлди, 30 дан ортқ одам жароҳатланди.

- Грецияда давом этаётган ўрмон ёнғинлари қурбонлари сони 79 нафарни ташкил қилмоқда. Шунингдек, мазкур офатдан 187 киши бадарак йўқолган. Греция пойтахти Афинанинг чекка ҳудудларидаги ёнғинларга қарши курашишга юзлаб ўт ўчирувчи жалб қилинган. Мамлакатда бир вақтнинг ўзида 15 та ёнғин ўчоғи ҳосил бўлганда сўнг фавқулодда вазир жорий этилди. Қурбонлар хотирасига мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди.

- Швейцарияда миллий ва жаҳондаги энг катта мусика асоси – узунлиги 5 метрлик, фақат тик турган ҳолда чалиш мумкин бўлган Альп шоҳида куй чалиш бўйича танлов бўлиб ўтди.

## ЯДРО ЭНЕРГЕТИКАСИ РИВОЖИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуни айтиш жоизки, илм-фанга, инновацион фаолиятга ҳали бундай эътибор бўлмаган. Бундай ёндашув энди олий ўқув юртиларида малакали мутахассислар тайёрлаш, ҳар бир илмий ишга махсулот сифатида қараш кўникмасини шакллантиришда муҳим омил бўлади. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари бунинг учун мактаб-гача таълим муассасаларидан то олий ўқув юртиларигача бўлган барча босқичларда илмга чанқок, фидойи, ватанпарвар ёшларнинг қобилият ва салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича муҳамал тизим яратиш кераклиги, академик фан соҳаларида фундаментал изланишларнинг амалий натижалари асосида инновацион ечимларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни изчил йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Мулоқот чоғида илм-фани узвий ривожлантириш ва фан ютуқларини одамлар турмуш тарзида акс эттириш йўлидаги асосий вазифалар белгилаб берилди, олимпларнинг тақдирлари тингланди.

Президентимиз Ядро физикаси институтида олиб борилаётган ишлар ва янги режаларга алоҳида тўхталди. Россиянинг "ММФИ" миллий тадқиқот ядро университети "федерал давлат олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш, институти замонвий, техник кўрсаткичлари ва барқарорлиги билан ажралиб турадиган мусбат зарядли заррачаларни тезлаштирувчи қурилма – циклотрон билан жиҳозлаш ҳақидаги хабарлар биз, олимпларни қувонтириб юборди.

Дарҳақиқат, янги филиал ядро тадқиқотлари учун малакали кадрлар тайёрлаш ва атом энергетикаси бўйича бошланган ишларни сифатли

амалга ошириш имконини беради. Циклотронни ишга тушириш натижасида ядро физикасининг долзарб йўналишларида илмий изланишлар олиб бориш билан бирга, тиббиёт муассасалари учун зарур радиоизотоп ишлаб чиқарилиб, унга бўлган эҳтиёж тўлалғича қондирилади. Бундан ташқари, радиоизотоп махсулотлари 2-3 хилга ортиб, экспорт ҳажми янада кенгайди.

Институтининг тез орада замонвий электрон тезлатгич қурилмаси билан жиҳозланиши нафақат ядро физикаси, балки қаттиқ jismlar физикаси ва материалшунослик йўналишларида ҳам илмий изланишлар олиб бориш ва эришилган натижаларни иқтисодий тармоқларида кенг қўллаш имкониятини яратди. Мазкур қурилма ёрдамида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган тиббий асбоб-анжомлар юқори даражада зарарсизлантириб берилди. Шунингдек, қурилма қаттиқ

материаллардан тайёрланган махсулотларнинг фойдаланиш муддатини узайтириш, нефть ва газ қудуқларини қазиш, бургулаш жиҳозлари мустақамлигини оширишда кенг қўлланилади. Бир сўз билан айтганда, институти бундай қурилма келтирилиши бежиз эмас.

Давлатимиз томонидан берилаётган бундай юксак эътибор ўз даврида уч мингдан зиёд ходим ишлар Ядро физикаси институтида йўқолиш даражасига келиб қолган ядро физикаси ва технологияси, радиацион физика ҳамда радиоактив йўналишларни тиклаш имконини беради. Президентимиз билан олимпларнинг учрашувида белгиланган вазифаларнинг амалга ошириши илм ва амалиёт ўртасида алоқани мустақамлаш, фундаментал илмий изланишлар натижаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, иқтисодиётимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлади.

**Манноб ТАШМЕТОВ,**  
**Ўзбекистон Фанлар академияси**  
**Ядро физикаси институти**  
**директори ўринбосари**

## ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ТОВАР БИРЖАЛАРИ АКТ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

**"Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" акциядорлик жамияти мутахассислари Минск шаҳридаги "Беларусь универсал товар биржаси" очик акциядорлик жамиятида ишчи таширф билан бўлди.**

Таширф доирасида юртимиз мутахассислари томонидан биржа фаолиятининг асосий йўналишлари, савдоларда иштирок этиш тартиби, биржа келишувлари бўйича ҳисоб-китоб ва мажбуриятлар ижросини назорат қилиш механизми атрофлича ўрганилди. Арбитраж комиссияси иши, савдоларда биржа брокерлари орқали иштирок этиш ва нархларни асосиз манипуляция қилишни бартавраф этиш бўйича қўлланилаётган чоралар билан ҳам танишилди.

"Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" АЖ ахборот хавфсизлиги бўлими бошлиғи Х.Ирназаровнинг айтишича, биржа савдоларини ўтказишнинг электрон шакли биржалар олдига жиддий техник ва технологик талаблар қўяди. Бу жараёнда шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, харид ва сотиш учун келиб тушадиган кўплаб талабномаларни бир вақтнинг ўзига қайта ишлашда савдо тизимининг ўтказувчанлик қобилияти катта, дастурий таъминоти эса максимал даражада оптималлашган бўлиши лозим. "Беларусь универсал товар биржаси" ОАЖ томонидан ишлаб чиқилган дастурий ечимлар зарур даражадаги ишончлик, ошқоралик ва хавфсизлигини таъминлаган ҳолда, ўз вазифаларини мавафқиятли амалга оширмоқда. "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" АЖда ҳам ушбу масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу боис Беларусь биржа мутахассислари билан тажриба ва технологиялар алмашинуви ҳар икки мамлакат электрон савдо майдончалари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Учрашув якунида соҳага янги АКТларни жорий этиш ва биржа фаолиятини амалга оширишда киберхавфсизлигини кучайтириш масалалари бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга келишиб олинди.

## ЖАРИМАЛАРНИ ТЎЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл ҳаракати қондаларини бузган ҳайдовчиларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий чораларнинг янги тартибини синовдан ўтказмоқда.**

Бу ҳақда шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасидан хабар қилишларича, тизимга янги технологияларни жорий этиш яхши самара бермоқда. Хусусан, илгари йўл-патруль хизмати ходими қоидабузар ҳайдовчига нисбатан ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум этишни назарда тутувчи йўл қоидасини бузганлик тўғрисида баённома тузиб, унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб қўйганидан сўнг, ҳайдовчи қвитанция олиш учун йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати бўлимига боришга мажбур бўлар эди. Ҳайдовчи жарима тўлаганидан сўнггина, ҳужжатини қайтариб оларди. Буларнинг барчаси одамлардан кўп вақт талаб этар, ортиқча оворагарчиликка сабаб бўлар эди.

Янги тартибга кўра, энди маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилганидан сўнг, йўл патруль хизмати инспектори уни Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий амалиёт бўлимининг Комплекс автоматлашган ахборот тизимига киритади. Бу тизим орқали электрон ҳужжат автоматик равишда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятига юборилади. Шундан сўнг, почта хизмати ходимлари қоидабузарнинг уйига биллинг тизими орқали жарима тўлашда зарур бўлган код кўрсатилган жарима хатини келтириб беради.

Биллинг тизими орқали жарима тўловларини исталган банк муассасасида pos-терминал ёки электрон тўлов тизими ёрдамида амалга ошириш мумкин. Юқори даражадаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тўлов идентификаторнинг ноёб рақами – код асосида амалга оширилади. Бунда ҳеч қандай қвитанция тўлдириб керак бўлмайди, тўлов далили сифатида чек-ордер берилди. Тўловни 15 кун ичида амалга ошириш талаб этилади. Белгиланган муддат тугаганидан сўнг ҳам жарима тўланмаса, қардорлик ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросига тақдим этилади.

**Роман БОНДАРЧУК,**  
**ЎЗА мухбири**

## Депутат фикри

### МИЛЛИОНЛАБ ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИ РУҲЛАНТИРАДИ

**Давлат ва жамият бошқарувида, бизнесни тараққий эттиришда, умуман, барча соҳа ривожидида салоҳиятли ёшлар аҳамиятли кучдир. Янгидан-янги ташаббус-ғояларни илгари суриш, замонвий иш юритиш услубларини жорий қилишда уларнинг нуқтаи назари ва саъй-ҳаракатлари гоят муҳимдир.**

Юртимизда замонвий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган баркамол, мақсадга интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 27 июнь санаси юртимиз ёшлари ҳаётида янги саҳифа очилган кун сифатида тарихга муҳрланди. Шу кун Президентимиз фармони билан "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур ҳужжат жойларда ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шу асосда ёшлар бандлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Мамлакатимизнинг эртанги кунини учун муҳим аҳамият касб этадиган ушбу ҳужжатнинг самарали ижро этилишини таъминлаш барчамиз учун бирдай муҳим вазифа.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссиянинг навбатдаги давра суҳбати шу мавзуга бағишланди. Тадбирда Президентимизнинг "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисидаги фармони мазмун-моҳияти, унда белгиланган вазифаларни амалга ошириш устидан жамоатчилик ва парламент назоратини олиб бориш, бунда Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда сиёсий партияларнинг Ёшлар қанотлари олдига турган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Депутатлар, сиёсий партияларнинг Ёшлар қанотлари раҳбарлари ва фаоллари, мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда давлатимиз раҳбарининг фармонида кўзда тутилган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, парламент кўйи палатасининг позицияси белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида жорий йилнинг 4 июль кунини ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижроси юзасидан Қонунчилик палатаси томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Давлат дастури ижросини жойларда самарали ташкил этиш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси аъзолари ва депутатлари

бириктирилиб, улар Республика ишчи гуруҳлари таркибига иш олиб бордилар.

Қонунчилик палатасининг ҳудудларга бириктирилган депутатлари томонидан Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш бўйича тарғибот ва ташвиқот тадбирлари олиб борилди, фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан қилинаётган ишларда ҳудудий ва маҳаллий ишчи гуруҳларга амалий кўмак кўрсатилди. Жумладан, Навоий вилоятида жорий йилнинг 12 июль кунини мазкур ҳужжат мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани ҳамда 17 июль кунини Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси ташаббуси билан "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури ижросини ташкил этишда сиёсий партиялар ва Ёшлар қанотларининг ўрни ва роли" мавзусида семинар ташкил этилди. Ҳоразм вилояти ҳокимлигида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Амударё ва Эллиқалъа туманларида бўлиб ўтган учрашувлар давомида барча мутасадди идора ва ташкилотлар вакиллари иштирокида амалий мулоқот ҳамда семинарлар ўтказилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокидаги бундай семинарлар барча туман ва шаҳарларда ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси депутатлари туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари билан биргаликда уйма-уй юриб, ёшлар билан учрашди, аниқланган муаммоларни ҳал этишда, ишсиз ёшларни ишга жойлаштиришда ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган ёшларга амалий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, фармонда белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини таъминлашда йўл қўйилаётган камчиликлар, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ҳамда кўрсатмалар бериб боришди. "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасининг туман ва шаҳар филиаллари директорлигига номзодлар танлашда ҳам кўмаклашилди.

Бу ишлар катта-катта мақсади бор, бироқ уни амалга оширишда иккиланиб, биров қийналиб турган ёшларни руҳлантириши табиий, албатта. Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар охир-охибатда аниқ ташаббуси бор, янгидан-янги ғоялари билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшишга тайёр бутун бошли бир авлодни юзага чиқариши шубҳасиздир.

**КОЗИМЖОН ТОЖИБЕВ,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси**

## ХОДИМЛАР СОЛИҚ ИМТИЁЗИДАН ХАБАРДОРМИ?

**Ўзбекистон ёшлар иттифоқига келаётган мурожаатлар ва ижтимоий тармоқлардаги мунозараларда ёшларни Президентнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармонининг 13-банди ижроси қизиқтирмоқда.**

Мазкур бандда таълим муассасасини тамомлаганига уч йил бўлмаган, биринчи марта ишга қабул қилинган ёшларга даромад солигини биринчи йил учун 50 фоиз, иккинчи ва учинчи йиллар учун эса 25 фоизга камайтириш белгиланган.

Албатта, Президент фармони ва унинг барча бандлари амалда. Давлат солиқ қўмитасининг тегишли бўйруғи билан фармон ижро-

сини таъминлаш бўйича солиқ органларига тегишли топшириқлар берилган.

Бироқ, кўпчилик ёшлар фикрига кўра, аксарият ташкилотлар бундай имтиёзнинг амалда қўлланилгани. Президент фармонига асосан ёш кадрлар солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Азиз ёшлар, таълим муассасасини тамомлаганингизга уч йил тўлмаган, биринчи марта ишга

қабул қилинган, шунингдек, ҳали иш жойингизни ўзгартирмасдан бир жойда муқим ишлаётган бўлсангиз, Президент фармонига белгиланган солиқ имтиёзлари ҳақида иш жойингиздаги ҳисоб-китобга айтиб, имтиёздан унумли фойдаланишингиз мумкин. Зеро, Президентимиз фармони ёшлар учун яратилган имкониятдир.

**Г.АШУРОВА**  
**тайёрлади**



## Иқтисодиёт

### САВДО ҲАМКОРЛИГИ – ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

**Қардош ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичда давом этмоқда. Мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий алоқалари кун сайин фаоллашиб, товар айирбошлаш ҳажми ортаётгани бунда муҳим омил бўлмоқда.**

Бугунги кунда халқаро савдода тобора салмоқли ўрин эгаллаётган савдо йўли иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятининг сезиларли ривожланишида муҳим воситага айланган. Тожикистонда мамлакатимизнинг савдо йўли фаолият юритмоқда. Жорий йил февраль ойида Тошкентда ҳам Тожикистоннинг қурилиш моллари савдоси билан шуғулланувчи "Гаюр" компанияси савдо уйи очилган эди. Кенг турдаги махсулотлар тақлиф этилаётган ушбу савдо уйи мамлакатимиз қурилиш бозорига ўз ўрнини эгаллаб бормоқда.

Утган қисқа вақт мобайнида савдо уйида "Гаюр" компаниясининг 30 турдаги қурилиш моллари савдоси йўлга қўйилди. Сўнгги икки ойда талаб ва тақлиф асосида махсулот етказиб бериш ҳажми ошди.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар шарҳсозлик, инфратузилмани ривожлантиришда ҳам ўз ифодасини топмоқда, – дейди савдо уйи директори Фарход Махмадов. – Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ана шу ислохотлар жараёнида янада мустақамлашиб бормоқда. Юртимизда олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларида ўз хиссамизни қўшаётганимиздан мамнунийим.

Компания асосан цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлса-да, соҳани модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига гипсокартон, армстронг, металл профиллар ва бошқа турдаги қурилиш моллари тайёрлаш ўзлаштирилди. Айни пайтда савдо уйида юқори сифатли қурилиш моллари – ойна, асбест, цемент ва цемент клинкерлар харидорларга манзур бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, фаолият қўламини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳам кенгайтириш имконини бермоқда.

Компания самарали фаолияти туфайли Фарғона, Кўкон, Марғилон ва Бахт шаҳарларида савдо тизимини йўлга қўйишга мувафқият бўлди. Ҳозирги кунда "Гаюр" Ўзбекистон бозорига ойига ўртача 15 минг тонна цемент етказиб бормоқда. Корхона бу кўрсаткични 20 минг тоннага етказишни режалаштирган. Жумладан, келгусида Самарқанд, Бухоро ва Навоий вилоятлари, Тошкент, Жиззах ҳамда Фарғона шаҳарлари асосий харидор ҳудуд сифатида қаралмоқда.

Компания нафақат қурилиш моллари турини кўпайтиришга, балки сифатли хизмат кўрсатишга ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Даставвал харидор буюртмани ўзи олиб кетган бўлса, эндиликда махсулотни айтилган манзил бўйича етказиш йўлга қўйилди.

Бу "Гаюр" савдо уйининг ўзгаришчан жаҳон бозорига тез мослашувчанлиги, тижорат ишчи оқилона ташкил этилаётганидан далolat. Компания Ўзбекистондаги фаолиятини янада такомиллаштириш, мамлакатимиз қурилиш махсулотларининг Тожикистонда харидорғир бўлишига ҳисса қўйиш ниятида. Бу ўзаро савдо алоқаларининг фаоллашиши ва махсулот алмашинувининг кенгайишида, миллий махсулотларимизнинг жаҳон бозорларига чиқишини рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

(ЎЗА)

**Сув ҳаёт манбаи, тириклик асоси. Бу оламда тирик жон борки, сувсиз яшай олмайди. Бир кунимизни ҳам сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сувнинг башарият ҳаётидаги бошқа ҳеч қандай нарса билан солиштириб, таққослаб бўлмайдиган ўрни ва аҳамияти бор. Шундан бўлса керак қадимдан ота-боболаримиз сувни қадрлаш, унинг бир томчисини ҳам зое кетказмаслик борасида кўп ва хўп гапирганлар.**

Ҳаётни жўшқин дарёга қиёс қиламиз. Хўш бизнинг сувга муносабатимиз бобида аждодларимиздан мерос анъаналарга қай даражада содиқ қолмадикми, деган саволнинг туғилиши табиий. Неча-неча сунроғли асрлар силсиласидан эсон-омон ўтиб, бизгача етиб келган миллий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ўзимиздан кейинги авлодга оҳорини тўқмасдан, безавол етказиш, фарзанд ва набираларимизга гўзал табиат, суви тоза ва пок дарё, анҳор ва ариқлар қолдириш учун бугун хар биримиз қандай амалий ишларни қиляпмиз?

Мамлакатимизда сувга муносабат бўйича юзага келган ҳозирги вазият ана шундай ҳаётини саволларни қатъий ўртага қўйиб, уларга аниқ жавоб беришни, тиниқ кўзгу тутиб ўзимизга четдан назар ташлашни сув ва ҳаводек тилаб қолмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мана шундай ўткир саволлар атрофида фикр юритар эканмиз, кўлимизни кўксимизга қўйиб, очик тан олиб айтишимиз керак — ўзимизга, қилаётган ишларимизга ижобий баҳо бера олаймикин. Сувга салбий муносабатда бўлаётганимиз юзасидан мамлакатимизнинг исталган ҳудудидан керагича мисол ва рақамларни келтириб ўтишимиз мумкин. Бинобарин, давлатимиз раҳбари топшириғига биноан тузилган Республика ишчи гуруҳи томонидан "Обод маҳалла" дастури доирасида пойтахтимизда олиб борилган ўрғанишлар жараёнида аниқланган кўплаб муаммо ва камчиликлар, анҳор ва каналларда юзага келган аянчли вазият, юрtdошларимиз, айниқса, пойтахт аҳолига бамисоли булутсиз осмонда гумбирлаб чақмоқ чаққондек таъсир қилди, десак муболага бўлмайди.

Ҳа, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлар шу бўлса керак. Аммо худбинликка асир бўлган айрим юрtdошларимиз ҳолатнасию ҳаммомидан чиққан ахлатни, ошхонасию итидан ортан ювиндини сувга оқизар экан, ўздан сал наридагилар шу сувдан фойдаланиши мумкинлигини, бир оз узоқроқда эса шу сувни минглаб инсонлар учун ягона ҳаёт манбаи эканини наҳотки ўйлаб кўрмаса? Ахир пойтахт ичидан оқиб ўтадиган анҳор ва каналларнинг қуйи қисмларида жойлашган аҳоли масканларида ҳам ўзимизнинг қондошларимиз яшайдику. Улар ҳам ҳаммадек инсонку. Ҳақиқат шуки шаҳардаги очик сув ҳавзаларида пайдо бўлган муаммолар нафақат пойтахтимиз, балки Тошкент вилоятининг ёндош туманларидаги аҳоли ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсатяпти. Кимдир билар, кимдир билмас, лекин Тошкент шаҳри ҳудудидан ўтган умумий узунлиги 129,3 километр, сониясига бир юз беш куб метр сув ўтказиш имконига эга Жўн, Шимолий Тошкент ва Юқори Тошкент

каналлари Тошкент шаҳридан чиққан сувни Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманлари орқали Сирдарёга элтади. Зангиота, Янгийўл, Чиноз туманларида марказлаштирилган тоза ичимлик суви етиб бормаган қишлоқлардаги минг-минглаб аҳоли экин-тикинни суғоришқу майли, идиш-товоқ ювиш, кир чайиш, ювиш ва бошқа эҳтиёжлар учун ҳам

**"Обод маҳалла" дастури — амалда**

тармоғи Шимолий Тошкент канали орқали Янгийўл туманининг чегара нуктасидан Қозоғистон Республикаси ҳудудига ўтиб кетади. Сўнг орада қарийб 18,8 километр масофада оқиб ўтган канал суви Чиноз туманига кириб келади. Ҳудуддаги соҳа мутахассисларининг айтишича, Чиноз туманининг чегарага яқин жойлардаги айрим қишлоқлар аҳолиси айнан шу каналдан сув ичади. Агар канални тозалаш ишлари мунтазам ва сифатли ташкил қилинса катта ҳажмдаги сув йўқотишларининг олди олинган бўлар эди. "Тонг юлдузи" маҳалла фуқаролар йиғини, Садриддин Айний маҳалласидаги аҳолининг

кўплаб уй-жойлар барпо этилган эди. Айни пайтда бу ерда иншоотларни бузиш, канал атрофини 25 метргача кенгликда тозалаш ишлари жадал олиб борилмоқда. Сувнинг муҳофаза ҳудуди бўшатишмоқда. Ушбу ҳудудда беш километр масофада ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Бўзсув канали ҳудуди ободонлаштирилгач, "Обод" ва "Оқтепа" маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун дам олиш маскани, велосипед-дай сайр қилиш учун йўлақлар, кексаларнинг дам олишлари учун соясалқин масканлар барпо этилади.

"Посира" ва "Обод" маҳаллалари ўртасида оқиб ўтадиган Салор канали атрофида ҳам олти метргача кенгликда тозалаш ишлари олиб борилмоқда. Тумандаги "Исломобод" маҳалласи ва кўп қаватли уйлардан иборат 10-мавзее ўртасидан оқиб ўтаётган Қорақамчиш коллектори атрофида ҳам ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилган бўлиб, қарийб уч километр масофада тозалаш ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Юнусобод туманининг 19-мавзеси ва "Юқори Бўзсув" маҳалласи оралиғидан оқиб ўтувчи Бўзсув каналининг икки километрдан зиёд қисмида амалий ишга киришилган.

Бўзсув каналининг пойтахтга кириш қисми Юнусобод туманидан бошланишини айтгандик, каналнинг пойтахтдаги тугаш қисми Учтепа туманининг Изза мавзесида тўғри келади. Ажабланарлиси, Юнусобод туманида ранги тоза бўлган сув Урикзор бозорига етгунча туси ўзгариб қолади. Унча узок бўлмаган масофада сувнинг ифлосланишига бошқалар айбдор эмас. Бу сувнинг ранги бизнинг табиатга, саломатликка, тазаликка бўлган муносабатимизнинг яққол ифодасидир. Ҳозирга келиб ушбу жойда етти километр масофада анҳор атрофи тозаланиб, қатнов учун йўл қурилиши режалаштирилмоқда.

— Ёшлигимизда шу каналда чўмилиб, унинг сувидан фойдаланардик, тоза ва покча жойлар эди, — дейди Саидхадмад Сайдалиев. — Йиллар ўтиши билан канал атрофида уйлар қурилиб, ҳамма томон ёпилди. Одамлар канализацияларини оқишиши ва чиқиндиларини ташлаши натижасида канал суви ифлосланиб кетди. Шукрки бугунги кунда шаҳримиздаги барча каналлар, уларнинг атрофи тозаланиб, обод қилинмоқда. Ёшларнинг сайр қилишлари, қарияларнинг ўтириб дам олишлари учун сўлим жойлар барпо этилмоқда.

Ҳозирда канал атрофидаги чиқиндилар тозаланмоқда, дарахтлар буталиб, сувнинг четидаги барча ноқоний қурилмалар бузилмоқда. Бунда фуқароларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ариқ ва анҳорларимиздан илгаригидек тоза ва зилол сув шарқираб оқиши учун, аввало, қалбимиз тоза, онгимиз равон, ўйимиз, сўзимиз ва амалимиз фақат ва фақат эзгуликка йўғрилган бўлиши керак. Биз қандай бўлсак сув ҳам шундай бўлади.

**З.РАСУЛОВА, А.СОДИҚОВ, З.ШАРИФЖОНОВ**

**ТОШКЕНТ КАНАЛЛАРИ ҲАМИША ТОЗА ВА СЎЛИМ ГЎШАГА АЙЛАНСИН**



булганишларга тўла шу сувдан фойдаланишда. Уларга машинада ичимлик суви ташиб келтирилади. Аҳоли сувни сотиб олиб ичади. Машина келганда кўрмай ўтиб кетмасин деб сув идишларни кўчага чиқариб қўйишди. Техника ҳам бирда соз, бирда носоз. Сув етиб келмаса уларнинг олдида фақат икки йўл қолади. Ё ариқдаги сувни ичиш йўли нечанча километр пастга, шаҳарга тушиб, ўзи сув келтириши керак. Аксарият ҳолларда одамлар шу анҳордаги сувни қай аҳволда бўлса ҳам тиндириб, сўнг қайнатиб истеъмоқ қилишади. Бошқа илож ва имкониятнинг ўзи йўқ.

Асли пойтахтдан ахлат ва чиқиндига булганиб чиққан сув Зангиота-даёқ баттар кўринишга келади. Зангиота туманидан ўтган Бўзсувга улкан техника орқали уланувчи "шартли тозаланган" чиқинди суви бериб бериб бериб чиқаряпти. Жўн канали Янгийўл шаҳри ва Янгийўл туманини ажратиб туради. Канал бўйлигидаги аянчли манзаралар пойтахтдагиси билан беллашаман дейди. Ўзбошимчалик билан қурилган иншоотлар, сув ёқасини қоплаб олган чиқиндилар сув сифатиغا инсонлар сонига ҳам, табиат мувозанатига ҳам кескин зарба бермоқда.

Чирчиққа йўл олиб Тошкент шаҳри орқали чиққан Бўзсувнинг бир

ҳам ҳамиша зилол сув ичишга, покча ҳавзаларда маза қилиб чўмилишга тўла ҳаққи бор. Ериқ аҳоли фойдаланаётган бу сувнинг бошида турганлар унга канализациясини, чиқиндиларини оқишаётганини улар яхши билишмайди, билганда ҳам танлаш имкониятининг ўзи йўқ.

Нихоят давлатимиз раҳбарининг топшириғи, Республика ишчи гуруҳининг фаолиятдан сўнг кўп йиллардан бери эътибор қаратилмаётган масала кўтарилди. Ҳамма жойда адолат, тартиб-интизом ўрнатилмоқда. "Обод маҳалла" дастури доирасидаги "Тоза канал" лойиҳаси асосида бу муаммоларни комплекс ҳал қилишга жадал киришилди.

Аввалоқиб, Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи каналларнинг киргюкбўйи минтақаси ва муҳофаза зоналари ҳудудига жойлашган, сувга таъсир қўрсатаётган, оқава сув ташлаётган манбалар, объектлар хатловдан ўтказилди. Каналларнинг сув муҳофазат минтақаси, муҳофаза зоналарини белгилаш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилди. Каналларнинг киргюкбўйи минтақасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, унинг ижросига киришилди.

**АХБОРОТ ХИЗМАТИ ВА ОАВ ФАОЛИЯТИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда "Давлат божхона хизмати органларида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқаларни йўлга қўйишнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.**

Тадбирда Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги божхона бошқармаларида фаолият юритаётган Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар гуруҳи ходимлари қатнашди. Депутатлар, блогерлар ва шу соҳанинг профессионал экспертлари томонидан ахборот хизматлари фаолиятини йўлга қўйиш, матбуот хизматлари фаолиятини белгиловчи асосий қонун ҳужжатлари ва уларнинг муҳим хусусиятлари, божхона органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш, интернет учун материаллар тайёрлаш ва уларни жойлаштириш усуллари, PR-коммуникациялар моделлари каби бир қатор долзарб мавзуларда амалий машғулотлар ўтказилди.

2018 йилнинг биринчи ярми давомида Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги ахборот хизматлари томонидан марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 3 минг 300 дан ортиқ чиқишлар ташкил қилинган.

Соҳада божхона органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш энг муҳим тамойил сифатида ўз аксини топмоқда.

Президентимизнинг жорий йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида қўмитанинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими ва унинг ҳудудий бошқармаларидаги гуруҳлари қайта ташкил этилди. Илгари бу каби штат бирликларига эга бўлмаган Жиззах, Сирдарё ва Наманган вилоятларида ҳам ахборот хизматлари ташкил қилинди.

Ўтган қисқа муддат давомида ушбу гуруҳларга божхона соҳасини пухта ўлаштирган, шу билан бир қаторда журналистик маҳорат ва малакага эга бўлган кадрлар жамланди. Шу сабабдан ҳам семинар доирасида журналистлар билан ахборот хизматлари ходимлари ўртасида самарали мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида Ислом Каримов номидagi Тошкент халқаро аэропортининг янги учиб келиш залига пресс-тур уюштирилди.

Пресс-тур доирасида иштирокчиларни "Тошкент-АЭРО" икстирслаштирилган божхона комплекс бошлиғи Р.Таджиев пойтахт аэропортида хизмат олиб бораётган божхона ходимларининг фаолияти ва бу ерда йўловчилар учун ташкил қилинган шарт-шароитлар билан таништириб ўтди.

Семинар-тренинг якунида фаол қатнашган тингловчиларга сертификатлар топширилди. Тадбирда Давлат божхона қўмитаси раиси ўринбосари Г.Шукуров иштирок этди.

(Уз мухбиримиз)

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

"DIAMOND LINE LOGISTICS" МЧЖга (ИНН 302995636) тегишли бўлган қўйидаги лицензия варақалари автотранспорт воситаларининг эгалари томонидан шартнома шартлари бузилганлиги ва йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Лицензия варақаси	Русуми	Давлат рақам белгиси
ГТШП 2198498	FOTON	01 S825 RA
ГТШП 2189999	Г'баситас 330200 2288 48 57000 00	01 S390 PA
ГТШП 2198495	Лабо	01 A.273 AA
ГТШП 2167568	Г'БАСИП тўз-330202-288	01 C155 RA

Тошкент мелиорация ва сув ҳўжалиқ коллежи томонидан 2000 йилда Алимов Отабек Жўраевич номига берилган № 387890 рақамли, № 10190 рўйхат рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент Банк ҳисоб-кредит коллежи томонидан 2001 йилда Содиков Умид Махмудович номига берилган К № 061729 рақамли № 127 рўйхат рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Мулоҳаза**

**ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ МАКТАБДАН ОЛДИН БОШЛАНАДИ...МИ?**

**Ўғлим мактабгача таълим муассасасининг тайёрлов босқичига ўтга, чамасин бир ойлар ўтиб машғулотларни кузатиш учун гуруҳга бордим. Тушдан кейинги машғулот вақтида 28 боладан 8 ўғил-қиз ўтирган эди.**

— Бошқалар қани, — қизиқиб сўрадим.  
— "Почемучкада", — деди тарбиячи.  
— Ахир бу тайёрлов гуруҳи-ку, ҳамма машғулот ўтилмайди-ми?  
— Ўтамиз, лекин ота-оналар фарзандининг яна қўшимча машғулотларга боришини хоҳлайди.

Натижада "Почемучка" деб аталадиган гуруҳлардаги машқулар бир хил бўлса-да, нарҳида фарқлар мавжудлигини билдим. Энг арзон гуруҳлар 120 минг сўмдан бошланар экан. Шаҳарнинг марказий ҳудудларида жойлашган курслар анча қimmat. Майли бу иш ҳақи, эркин тадбиркорлик билан боғлиқ эканини тушунамиз. Ўғлим давлат тилида ўқишини истганим учун ўзбек гуруҳини кидирдим. Аммо мен борган ҳеч бир ўқув марказида бундай гуруҳ йўқ...

Юртимизда ўзбеклар боласини қўшимча дарсларга бермай-дими?  
Мирзо Улғубек туманида жойлашган ўқув марказларидан биринчи бу саволга қўйидагича жавоб беришди:

— Ўзбеклар ҳам болаларини олиб келади. Аммо улар фарзандининг рус гуруҳида ўқишини хоҳлайди. Шу боис сиз фарзандининг рус гуруҳида ўқишини хоҳлайди. Шу боис сиз фарзандининг рус гуруҳида ўқишини хоҳлайди. Шу боис сиз фарзандининг рус гуруҳида ўқишини хоҳлайди. Шу боис сиз фарзандининг рус гуруҳида ўқишини хоҳлайди.

Аксига олиб ҳали ҳеч ким бу гуруҳ очилишини сўраб ёздирмаган ҳам экан. Бу жавобни тўртта ўқув марказидан олган, тарвузим кўлтигичидан тушди. Наҳотки, менга ўшаган ота-оналар бўлмаса? Ҳамма боласини рус синфига қўядими?

— Ҳозир педагогларнинг мақсади мактабгача таълим ёшидаги болаларни тўлиқ мактабгача таълим муассасасига қамраб олиш ва мактаб таълимига сифатли тайёрлашдир, — дейди Учтепа туманидаги 492-мактабгача таълим муассасаси мудири Гулруҳ Ахорова. — 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган ҳамма болаларни МТМга қамраш учун ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари етарли эмаслиги сабабли хусусий мактабгача таълим муассасалари, қисқа муддатли гуруҳлар ва 0-синфлар ташкил этилмоқда, 6 ёшли болалар рўйхати шакллантирилмоқда. Шу билан бир қаторда, ҳудудларда "Почемучка" номи ривожлантирувчи гуруҳ машғулотлари ҳам болаларнинг сифатли таълим олишига қўл кўймоқда. Фарзандлари билан ўйда ўтирадиган уй бекалари учун бу гуруҳдаги машқулар маъқул бўлимоқда. "Почемучка" нафақат болалар, балки оналарнинг ҳам педагогик, психологик билимларини ривожлантириб, машғулот майдонида ва уй шароитида давомий шуғулланиши талаб этади. Бу курсларда турли йўналишлар, ноанъанавий дастурлар орқали болага индивидуал ёндашилган ҳолда машғулот олиб борилади. Унинг яна бир қўлайлиги куннинг ота-оналар учун қўлай соатларда ташкилланганлигидир.

Бунга қараганки, хусусий таълим марказлари ҳам таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагоглар дарс ўтади. Давлат томонидан таълим муассасалари учун барча шароит яратилмоқда. Бу жараёнда ҳоимийлик ёрдами қўрсатаётган ота-оналар ҳам талайгина. Шунда ҳам фарзандларимизни қўшимча дарсга олиб боришни қандай изохлаш мумкин? Бу педагогларимиз, тарбиячиларимизнинг касбий масъулияти билан боғлиқ эмасмикин?

— Оилада ўзбекча гаплашамиз, шунинг учун болаларим она тилимизни шундоғам ўрганиб олади, — дейди Дилрабо Халимова. — Аммо ўғлим 5 ёшдан буюн боғчадан ташқари "Почемучка"га боради. Ҳозир ўзбекча харфлардан кўра русча харфларини яхши танийди.

— Мактабда рус синфга қўясизми, — дейман қизиқиб.  
— Йўқ, ўрганиб қўяверсин дедим. Ўзбекча ўқитиш энди мактабдаги ўқитувчисига қолди.

Бу қай даражада тўғри? Мактабгача таълим муассасасида ўзбек гуруҳида тарбияланаётган бола, икки йил русийзабон педагог қўлида русчини ўрганади. Кейин ўзбек синфига боради. Ҳўш, бу боланинг онига қандай таъсир қўрсатади?

— Аввал бир тилда машғулотларга бориб, кейин бошқа тилда бориши синфга келадиган ўқувчи анча қийналади, — дейди Мирзо Улғубек туманидаги 256-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Шахло Илосова. — Агар ота-она ва ўқитувчи биргаликда ҳаракат қилмаса ёзувда, таллаффузда камчиликлар қўлиб кетади. Ҳамкорликда ишланса 5-6 ойда натижасини кўрсатади. Аммо катталарга болани турли машқуларда жалғитишни масъалат бермаган бўлардим. Унинг онги, қарашлари, тафаккурини ҳисобга олиш керак. Боланинг эҳзини ўткир, деб ҳамма нарсага жалб қилиб, уни қийнаш яхшимас.


Ана сизга таълим-тарбия жараёнидаги яна бир ҳаёт. Сўнги йилларда 6-7 ёшли ўғил-қизларни 0-синфда ўқитишлар авж олди. Бу мактаб директори ва ўқитувчиларнинг ота-оналар талабига кўра ўқитишни ташкил этиши билан боғлиқ. Қувонарли, албатта. Фарзандларимиз учун яратилмаётган шарт-шароитлар кундан-кун яхшиланимоқда. Мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари, қўшимча ўқув курслари дейсизми, ҳаммасида қўлайлиқлар, имкониятлар бор. Аммо бир кунда икки соатлик дарс учун 8 мингдан 12 минггача тўлайсиз. Натижа яхши. Фарзандининг биринчи синфда ўқитилиши керак бўлган барча маълумотларга шу дарсларнинг ўзидек эга бўлади.

Шу ўринда савол туғилади. Унда болалар 1-синфда нимани ўрганади?  
Бу савол билан қайсики бошланғич синф ўқитувчисига мурожаат қилсак, улар бу гўё такрорлаш, енгил машғулот бўлади, деб жавоб бермоқда. Юртимизда бола 7 ёшдан бошлаб мактаб таълимини бошлаши лозимлиги белгилан қўйилган. Меърий ҳўжжатларда ҳам бу борадаги талаблар баён қилинган.

Педагоглар болани кўпроқ ўйлаётганини эътироф этиш жоиздир балки. Чунки унинг билмади баъзидида маълумотларнинг такрорлаши, мустахкамлаши яхши эканини тушунамиз. Аммо... Ҳамма ҳам 0-синфда фарзандини ўқитишга қодир эмас. Иқтисодий имконияти етса-да, боласини бундай гуруҳларга беролмаётган ота-оналар бор. Ана шундай болалар 1-синфга чиққанда ўз тенгдошлари қаторида бўлмаслиги, улар каби ўқиб, ёзувмаслиги маълум-ку. Ҳўш унда педагог нима қилади? Яхши ўқий олмаётган ўқувчи билан банд бўлиб, бу мавзунини ўрганиб бўлган ўқувчини эътиборсиз қолдириши мумкин эмасми? Бошқалардан олдин аниқлаётган ўрганиб бўлган бола вази-фасини бажариб бўлган эриқиб қолмайдими?

Юртимизда кейинги йилларда мактабгача таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳўлаимизки, тарбиячилар ва педагогларга қўйилмаётган талаблар натижасида ўғил-қизларимиз учун алоҳида курсларга бўлган эҳтиё қўсқаради. Шунда фарзандларимиз ушбу муассасадан умумтаълим мактабининг 1-синфига керакли даражадаги билимларини ўрганиб чиқади.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**  
Уза мухбири



Футбол янгиликлари

**МУЗОКАРА ДАВОМ ЭТМОҚДА**

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига ким бош мураббий бўлади?

Ушбу савол ҳамон очiq қолмоқда. Дарвоқе, навбатдаги Осиё кубоги финал босқичи бошланишига ҳам оз фурсат қолмоқда. Россияда ташкиллаштирилган жаҳон чемпионати ҳам якунига етди. Аммо, ЎФА ҳамон миллий терма жамоамизга қайси хорижлик мутахассис етакчилик қилишини айтгани йўқ. Айрим маълумотларга кўра, ЎФА раҳбарияти бир нечта хорижлик тажрибали мутахассислар билан музокара олиб бормоқда. Миллий терма жамоамиз бош мураббийлигига номзодлар орасида грузиялик Шота Арвеладзе, италиялик Чиро Феррера ва аргентиналик Эктор Купер бор. Маълумки, Шота Арвеладзе ҳозирда "Пахтакор" бошқа-

рувини ўз қўлига олган ва у миллий терма жамоа бош мураббийлигини давом эттиришга қарар қилган. Назаримизда футболимиз мутасаддилари Миср терма жамоасини жаҳон чемпионатига олиб чиққан аргентиналик Эктор Куперни миллий терма жамоамиз бош мураббийлиги сифатида кўришни исташмоқда. Эктор Купер ҳам миллий терма жамоамизни бошқаришга қизиқмоқда. Агар ўз вақтида "Валенсия" ва "Интер" клубларидаги муваффақиятли фаолияти билан доврўг қозонган аргентиналик мутахассис билан музокаралар ижобий яқун топса, Эктор Купер Ўзбекистон миллий терма жамоасига бош мураббий бўлади.

**"СОФДИЛ" — ХАЛҚАРО ТУРНИР ИШТИРОКЧИСИ**

Словакия пойтахти — Братислава шаҳрида қандли диабет хасталигидан азият чекаётган спортчилар ўртасида мини-футбол бўйича "ДиаЕвро" мусобақаси бўлиб ўтди.

Этиборлиси, ушбу мусобақада мамлакатимиз шарафини "Софдил" жамоаси ҳимоя қилди. Эслатиб ўтамиз, Тошкент шаҳар қандли диабет хасталиги билан оғриган болалар

жамияти жамоаси саналган "Софдил" 2012 йилдан этиборан "ДиаЕвро" мусобақасида тўртинчи мартаба қатнашиб келмоқда.

**Ақбар ЙҮЛДОШЕВ**

**ОСИЁ "ЭРТАКЧИЛИК САНЪАТИ" ХАЛҚАРО ҚҰМИТАСИНING МАЖЛИСИ**

Шарқ мамлакатлари бой маънавий мероси, қадимий халқ оғзаки ижоди ва такрорланмас урф-одатлари билан ажралиб туради.

Чунончи, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарида инсонийлик фазилатлари, эзгулик, яхшиликка чорлов етакчилик қилади. Қозоғистон фольклор санъатида анъанавий овул ҳаётидан ҳикоя қилиш устун бўлса, тожик халқ эртакларида инсон ички кечинмалари, ҳаёт тарзи, мақсад ва интилишлари миллий либослар орқали очиб берилди. Қардош туркман халқ ривоятларида от образига алоҳида ургу берилса, дўстлик ва меҳроқибат тўғрисидаги оғзаки халқ оғзаки ижоди Қирғизистон театр сахналарида кенг намойиш этилади. Умуман, ҳаётнинг турли жиҳатларини ўзида акс эттирган Шарқ мамлакатлари эртакчилик санъати эзгулики тараннум этиб, халқларни маънавий яқинликка чорлайди.

Тошкент шаҳрида 25 июль куни бўлиб ўтган Осиё "Эртакчилик санъати" халқаро қўмитасининг XI мажлиси ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисида ўзбекистонлик мутахассислар билан бирга, Қирғизистон, Тожикистон ва Кореядан келган фольклоршунос олимлар, маданият намояндалари иштирок этди. Унда халқаро қўмитага аъзо давлатларнинг маданий алмашинув имкониятларини кенгайтириш, халқ оғзаки ижодидаги ўзига хослик, ранг-барангликни тарғиб қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

Осиё "Эртакчилик санъати" халқаро қўмитаси 2009 йилда Марказий Осиё мамлакатлари маданият вазирлари иштирокида Кореяда ташкил этилган. Қўмитанинг мақсади иштирокчи давлатларнинг асрий анъаналари ва урф-одатларини ўзида акс эттирган фольклор на-

муналарини тадқиқ этиш, жамлаш ва чоп этиш орқали уни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Тадбирда корейлик мутахассислар Марказий Осиё мамлакатлари иждоқорлари томонидан эртакчилик жанрига алоҳида аҳамият бериб, китоблар нашр этилаётганини юқори баҳолади. Шунингдек, Марказий Осиё минтақаси ва Жанубий корейлик фольклоршунос олимлар ҳамкорлигида чоп этилган 300 бетлик эртак, матал, ҳикоялар китоб-тўплами халқаро ўртасида маданий алоқалар ва марифий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Ўзига хос фаолият сарҳисоби ҳисобланган қўмита мажлисида халқ оғзаки ижоди намуналарини кенг тарғиб қилишнинг самарали усуллари, ҳамкорлик доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилиши учун истеъдодли иждоқорларни жалб қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди, дейди фольклоршунос олим Ўрозали Тошматов. — Ўтган вақт мобайнида Олмаота ва Бишкек шаҳарларида Ўзбек адаби Раим Фарҳодийнинг асариде "Ёш мусиқачи" спектакли намойиш этилган эди. Тадбирда келгусида иштирокчи давлатлар иждоқорларининг ҳам сара асарларини китоб шаклида нашр этиш ва саҳналаштиришга келишиб олинди.

Халқаро қўмита мажлиси доирасида қатор тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган. Болалар учун "Китоблар ярмаркаси" ташкил этилиб, унда ўзбек ва корей иждоқорларининг китоблари ва уларга ишланган расмлари тақдимоти ташкил этилади.

**Дилобар МАМАТОВА,**  
ЎзА мухбири

**"101" БОЛАЛАРНИ ЁНГИНДАН АСРАЙЛИК!**

Ёнгин бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир.

Ҳаётда содир бўладиган даҳшатли фалокатлардан бири шубҳасиз ёнгин. Ҳар биримиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билвермайди.

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар бепарволик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёш болаларга бепарволик билан қараш оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шунинг учун биз ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизлардан фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраб қоламиз.

**А.СЕЙДАЛИЕВ,**  
27-ХЕХК ҳайдовчиси, сафдор

Ёнгинга қарши курашиш ёки унинг олдини олиш масалалари фақатгина ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимларининг вазифаси бўлиб қолмай, балки барчанинг инсонийлик бурчи эканлигини унутмаслик лозим.

Бунинг учун, энг аввало, фарзандларимизни ёнгин келиб чиқishi сабабларидан воқиф қилиш, ушбу кўнгилсиз ҳолатнинг юзага келишининг олдини олиш борасида мунтазам равишда турли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришимиз керак. Ёнгин хавфсизлиги, унинг олдини олишга қаратилган турли тадбирлар, суббат ва учрашувларни барча жойларда амалга ошириш фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун ота-оналар ва катталар ушбу масалага ўзини доим масъул деб билсалар мақсадга мувофиқдир. Мана шундангина турар жойлар ва турли ташкилотларда ёнгин билан боғлиқ салбий ҳолатлар юз бермайди. Кундалик ҳаётимизда олов ҳаммиса ҳамроҳ экан, унга асло бепарқ бўлмасдан, доимо эҳтиёткорлик билан фойдаланайлик.

**Р.ЯКУБОВ,**  
ЕХБ инспектори, лейтенант

Сайёр суд

**ГАЗ ҲАҚИНИ ТЎЛАМАГАН "ГАЗЧИ"...**

Кейинги пайтда одамларни лақиллатиб кетаётган фирибгарлар ҳақида кўп эшитаяпмиз. Айниқса, бу коммунал тўловларни ундирувчи ходимлар бўлса, дардингизни кимга айтишни билмайсиз...

Киченбаев Абдурахмон Иргашалиевич 1972 йил Тошкент шаҳрида тутилган, маълумоти олий, 2 нафар фарзанди бор. Муқаддам 2006, 2010, 2011, 2017 йилларда бир қатор жиноятларни содир қилгани учун тегишли жавобгарликка тортилган.

А.Киченбаев 2017 йил январь ойига қадар "Миробод туман газ" фойдаланиш хизматининг чилангари вазифасида ишлаб келиб, Миробод тумани Банокатий кўчасидаги уйлارнинг бирида яшовчи М.Абдурахмонованинг ишончилиги билан, унга фойдаланилган газ таъминоти учун ҳақини ўзи тўлаши ва янги газ ҳисоблагич ўрнатиб беришни айтиб, уни алдаб, 2015 йил январь ойидан 2016 йил январь ойига қадар бўлган давр оралиғида М.Абдурахмонованинг 2.900.000 сўм пулини қўлга киритиб фирибгарлик жиноятини содир этган.

Бундан ташқари А.Киченбаев жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, 2015 йил сентябрь ойида Миробод тумани Файзиобод 11-тор кўчаси хонадонларидан бирида яшовчи Р.Тўйчиевнинг ишончилиги билан, унинг уйига янги газ ҳисоблагич ўрнатиб, давлат стандартидан ўтказиб беришни айтиб, Р.Тўйчиевнинг 950.000 сўм пулини қўлга киритиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган.

А.Киченбаев худди шундай жиноятни 2016 йил 16 сентябрь куни ҳам содир этган. Миробод тумани Иноқобод кўчасида яшовчи Р.Қарабаеванинг ишончилиги билан қўлга олиб, 1 млн. 200 минг сўм пулини олиб, ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборган.

Юқорида жабрланган фуқароларнинг ҳуқуқи муҳофазаси қилиш органларига мурожаатидан сўнг, А.Киченбаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Суд мажлисида А.Киченбаев айбига тўлиқ иқрор бўлди. Аслини олганда унинг вазифаси пул йиғиш эмас, чилангарлик бўлган. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий оғири настиллиги шундан ҳам билинадими, "мен газданман", деса қўшқўллаб пулини топшираверган. Бу жиноятнинг содир бўлишида қисман жабрланувчиларнинг ўзлари ҳам сабаби. Зероки, инспектор билан чилангари фарқлаганида қўшқўллаб пуллари топширмаган бўларди.

Тергов жараянида А.Киченбаев фуқаролардан олган пуллари қоплагини сабаб фуқаролар унга нисбатан даввоси йўқлигини билдиришган. Аммо А.Киченбаев қилмишига қўнун ўз сўзини айтиди.

Суд А.Киченбаевни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми "б" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлигида айбли деб топди. А.Киченбаевга ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил муддатга "Ўзтрансгаз" акциядорлик жамиятига қарашли ташкилотларда ишлаш муайян ҳуқуқларидан маҳрум қилган ҳолда ойлик иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қилиш шарти билан 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

**Алишер КАРИМОВ,**  
Миробод тумани прокурори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент шаҳар худудий бошқармаси томонидан 2018 йил 30 августда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари куйидагича:  
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;  
— ушбу давлат активлари учун энг камида куйидаги жадавлда иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;  
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;  
— сотиб олиш тўловлари ва инвестиция мажбуриятларини қисқа муддатларга амалга ошириш.

**Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:**  
— сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошлангич нарҳидан 10 фоиздан кам бўлмаган закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусخаси;  
— таклифлар (бизнес-режалар) солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тасдиқланган, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

— "нодавлат юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;  
— "жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, ваколатли вакил катнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;  
— елимлаб оғзи ёпишган конвертта солинган, куйидагиларни ўз ичига олувчи таклифлар:

- сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;
- инвестициявий мажбуриятларнинг таклиф этилаётган суммаси, уларни киритиш шакли, муддати ва шартлари (зарур бўлганда);
- талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва тегишли тармоққа илгари амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (мавжуд бўлганда).

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Савдо қолибига бошқарманинг буйруғи қабул қилинган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олдинсоти шартномасини имзолаш шарти юқлатилди.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни/буортномаларни қабул қилиш оферта савдосини ўтказиш бошланғичидан 1 иш куни аввал соат 16.00 да тўхтатилади.

Музокаралар 2018 йил 30 август куни соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16А-уй манзилида ўтказилади.

Ушбу кун савдолар бўлмаган тақдирда, 2018 йил 14 сентябрь, 2, 17 октябрь кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура шох кўчаси, 16А-уй манзилида ўтказилади.

**Мурожаат учун телефон: 233-35-08, 233-21-40.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли (оммавий оферта) орқали сотилиши белгиланган давлат активлари РҮЙХАТИ**

№	Объект номи	Жойлашган манзили	Баландса сакловчи ташкилот	Биво ва иппоотлар майдони (кв.м) ёки давлат улуси миқдори (%)	Асос	Бошлангич баҳоси (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн. сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Собиқ клуб биноси	Сергели тумани, Саъдий кўчаси, 94-уй	"ART-SERVIS" МЧЖ	184,0	ВМ-291 17.05.17Й	253 286 497,0		
2	9 қаватли турар жой биносининг 1-қават қисми (савдо дўкони)	Мирзо Улутбек тумани, ТТЗ-4 даҳса, 34-уй	Тошкент шаҳар ҳокимлигининг "Бинолардан фойдаланиш департаменти" ДУК	88,0		271 431 823,0		
3	Тўйхона ва ёрдамчи биноси	Бектемир тумани, Олтинтопан кўчаси, 19А ва 19Б-уйлар оралиғи	Ўзбекистон "Маҳалла" ХЖФ Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими	282,0	ВМ-295 19.05.17Й	608 804 767,0		
4	Тўйхона ва полейхона биноси	Бектемир тумани, Олтинтопан кўчаси, 57 ва 60-уйлар оралиғи	Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими	337,0		689 524 020,0		
5	"2-стоматология поликлиникаси" ДУК	Олмазор тумани, Қора қанот 2/4 маъноси, Қаланоҳ кўчаси, 1-уй	"2-стоматология поликлиникаси" ДУК	1 402,0	ПҚ-3297 29.09.17Й	6 585 119 917,0		
6	"4-стоматология поликлиникаси" ДУК	Яшнобод тумани, Қаримов кўчаси, 57-уй	"4-стоматология поликлиникаси" ДУК	1 002,0		4 907 700 804,0		
7	Кутубхона биноси	Сергели тумани, Нилуфар 1-тор кўчаси, 1 уй	Сергели Санот қасб-қунар коллежи	442,0	ВМ-590 04.08.17Й	1 249 268 194,0		

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Эълонлар: (0-371) 233-28-95  
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бунча турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтаси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:  
gazeta-vto@mail.uz

Душанба, сешанба, chorshanба, пайшанба ва жума кунлари чиқади  
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳақми — 2 босма табоқ, офсет услубида босилади.  
5313 нусхада босилди.  
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Ақмам АҚРОМОВ